

МАЙ
ОЙ МАВЗУСИ: “АСБОБЛАР ВА АНЖОМЛАР”

Гуруҳ		Ўрта				
Мавзу		Мебель				
Муддати		Май ойининг 2-ҳафтаси				
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Тарбиячининг кўрсатмаси бўйича юришда тўхташ, доира бўлиб юриш ва югуриш, сакраб югурган ҳолда вазифаларни қайтариш; юришни бошловчини алмаштирган ҳолда такрорлаш, турган жойда юқорига сакраш, коптукни иргитиб илиб олиш машқини бажариш.				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Катталар ва тенгдошлар билан мулоқот жараёнида оддий ва умумий қабул қилинган меъёр ва қоидаларга риоя қилиш, ўйин вақтида болалар билан самимий муносабатда бўлиш				
	Нутқ, мулоқат, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқни ривожлантириш, мебелни тасвирлаш, уни таққослаш, таянч сўзлар асосида гап тузиш, расмга қараб тасвирлаш ва ижодий сўзлаб бериш, бадиий асарни эшита билиш ва мавзу юзасидан саволларга тўғри жавоб бериш, суҳбат жараёнида иштирок этиш ва унга ўз фикрини билдириш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни мебель, унинг турлари ва асосий қисмлари билан таништириш, мебелни тасвирлаш ва таққослашни ўргатиш, мебелни тузилишидаги ўзига хос хусусиятларини расмда акс эттириш, суҳбат юзасидан болаларда ўз фикрини билдира олиш кўникмасини ривожлантириш, геометрик шакл, ҳажм, микдор тушунчаларини мустаҳкамлаш				
	Ижодий ривожланиш	Айрим санъат турлари ва жанрларини фарқлаш, диққат билан товуш оҳонглари тинглаш. Болаларни бадиий эстетик ривожланишига шароит яратиш. Ўхшаш ранглари танлаб, қалам билан, нукта билан контур бўйлаб, пахтали таёқча билан, гуашь билан безаш, маҳсулотни нукталар билан пахтали таёқчалар билан безаш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш – яшаш ва математика	Қуриш-яшаш: Ташландиқ материаллардан стол ва стул				Иккиламчи материал, картон қайчи,елим, мавзу бўйича расм
	Сюжетли –ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Мебель дўконида” сюжетли- ролли ўйин		“Биз дурадгорлармиз” сюжетли-ролли ўйин		Керакли анжомлар
	Тил ва нутқ	Уйдаги мебеллар		Ҳикоя тузиш. Мебель		Расм, мебель жиҳозлари расми тўплами, атрибутлар.
	Фан ва табиат	Металлнинг хусусиятлари				Сувли идиш, шам, магнит, сандиқча, ёғочли, резинали предметлар, рас, магнитли қўлқоп, қоғоз варағи
	Санъат	Аппликация: Мебель. Жамоа иши	Лой иши: Стул	Расм: Тушлик столи		Қайчи, рангли қоғоз, елим, мўйқалам, салфетка, ,пластилин, клеенка, бўёқ, А-4 ҳажмли оқ қоғоз, ватман, стаканда сув
	Умумий гуруҳ билан ишлаш					

МАЙ. ИККИНЧИ ҲАФТА МЕБЕЛЬ

Кўриш-ясаш ва математика маркази

Кўриш-ясаш: Ташландик материаллардан стол ва стул

Мақсад: болалар стол ва стулни ташландик материаллар (гугурт кутичари)дан ясаيدилар, бирлаштириш усулидан фойдаланадилар.

Керакли жихоз ва материаллар: ташландик материаллар, картон, қайчи, елим, мавзуга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кўриш: Мебель.
2. “Кўғирчоқ учун мебель танлаймиз” таълимий ўйини.
3. Гугурт кутичаларидан фойдаланиб жихоз ясаш тартибини намунага кўра тушуниб олиш.
4. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.
4. Болаларнинг кўргазмаси.

Кўшимча: “Оила”, “Ўй мебель жихозлари” сюжетли-ролли ўйинлар.

Эътиборга молик жихати: конструктив лаёқатнинг шаклланиши, ижодий тасаввурларнинг ривожланишига эришиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Мебель дўконида” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар мебель дўкони сотувчиларининг меҳнатини ижодий тасвирлайдилар, ўйлаб топилган сюжет учун мустақил шароит ярата оладилар, атрибутларни жойида ишлата оладилар, хайрихоҳлик хислатларини намоён этадилар, жамоада ўйнайдилар, тенгқурлари билан осон мулоқотга киришадилар.

Керакли жихоз ва материаллар: “Мебель дўкони” расми, раста, кўғирчоқ учун мебель,

Фаолиятнинг бориши:

1. Сухбат: “Мебель дўконида нима сотилади?”
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Ўйнаш учун жой танлаш.
4. Сюжетни ўйнаш.

Кўшимча: сюжетли-ролли ўйинлар: “Оила”, “Шифохона”.

Эътиборга молик жихати: жамоада дўстона ўйнаш, мустақил қарор қабул қила олиш ва мулойим муносабатга эришиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Биз дурадгорлармиз” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар дурадгорнинг меҳнати, унинг иш қуроллари ҳақида биладилар, дурадгор касбига қизиқадиладар, ўз ролларини астойдил ўйнайдилар ва атрибутлардан фойдаланадилар.

Керакли жихозлар ва материаллар: мавзуга оид расмлар, ўйин учун атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Дурадгор касби ҳақида сухбат (инсон ҳаётида дурадгорлик касбининг аҳамияти)
2. Ролларни тақсимлаш.
3. “Ишлаш учун нима зарур?” таълимий ўйини.
4. Сюжетни ўйнаш.

Кўшимча: қурувчилик касби билан таништириш.

Эътиборга молик жихати: болалар жамоада дўстона ўйнаши, ижодий тасаввурининг ривожланиши, бир-бирига мулойим муносабатда бўлиш.

Тил ва нутқ маркази

Уйдаги мебеллар

Мақсад: болаларнинг мебель ҳақидаги билимлари кенгаяди, ҳар бир мебель жиҳозининг вазифасини биладилар, фаол нутқлари, тафаккури, тасаввурлари шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид расмлар, таълимий ўйинлар учун жиҳозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кўриш.
2. Савол-жавоблар:
 - Нима учун мебель керак? (стул ўтириш учун керак)
 - Диван нима учун керак? (дам олиш учун)
 - Каравот нима учун керак? (ётиш учун)
 - Шкаф нима учун керак? (кийимни сақлаш учун)
 - Кресло нима учун керак? (дам олиш учун)
3. “Нима етишмайди?” таълимий ўйини.
4. “Тўртинчиси ортиқча” таълимий ўйини.

Қўшимча: болалар мебелни билан ўйнаш. “Оила”, “Болалар боғчаси” сюжетли-ролли ўйинлар.

Эътиборга молик жиҳати: луғатни бойитиш ва нутқни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантириш.

Тил ва нутқ маркази

Ҳикоя тузиш. Мебель

Мақсад: болалар мебель тузилиши ва қисмларини айтиб берадилар, мебель жиҳозларини ишлаб чиқарилиши ҳақида билиб оладилар

Керакли жиҳоз ва материаллар: мебеллар тасвирланган суратлар, мебель қисмларининг бўлакларга ажратилган тасвири.

Фаолиятнинг бориши:

1. Хонадаги мебеллар расмини кўриш.
2. Тарбиячининг ҳикояси.
3. Режалаштирилган ҳикоя.
4. Болалар билан ҳикоя тузиш.
5. “Кесма расмлар” таълимий ўйини (мебель йиғиш).

Қўшимча: болалар билан дурадгор, мебелни йиғувчи касби, ёғоч ва бошқа мебель турлари ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри боғлаш. Болаларнинг билиш жараёнининг фаоллиги, боғланишли нутқни ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

Металлнинг хусусиятлари

Мақсад: болалар металлдан бўлган предметларни ажрата оладилар, унинг кўриниши (ташқи тузилиши, ранги) ҳақида гапириб берадилар, хусусиятлари (иссиқликни ўтказиши, металлнинг ялтираши)ни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сувли идиш, шам, магнит, сандиқча, ёғочли, резинали предметлар, мавзу бўйича расмлар, магнитли қўлқоплар, қоғоз варағи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Металл предметлар (болғача) ҳақида топишмоқни топиш ва суратларни кўриб чиқиш.
2. Амалий тажрибаларни ўтказиш:

1-амалий ажриба: аввал ёғоч таёқчалар билан, кейин металл таёқчалар билан тақиллатиб овоз чиқариш. Қайси товуш баланд жаранглади, нима учун?

Таълимий ўйин: “Сандиқчанинг ичини тартибга келтириш”. (Буюмларни нимадан ишланганлиги бўйича ажратиш.

2-амалий ажриба: бир хил ўлчамли, лекин турли материаллардан ясалган предметлар (металлдан ва ёғочдан).

Таълимий ўйин: “Ниманинг вазни оғирроқ?”.

3-амалий тажриба: металл пластинкани шам устида ушлаб қиздириш. Маълум муддатдан кейин болалар пластинкани ушлаб илиқ бўлганлигини сезадилар. Хулоса: демак, темир пластинка исийди ва узоқ муддат иссиқликни сақлаб қолади.

4-амалий тажриба: магнитли ўйинчоқни майда металл буюмларнинг устига босиш. Бунда нима содир бўлади ва сабаб нима? Хулоса: демак, магнит металл буюмларни ўзига тортади.

Қўшимча: тарбиячи томонидан металлнинг инсон ҳаётида аҳамияти ҳақидаги ҳикояси, конструктор билан ўйин.

Эътиборга молик жиҳати: боланинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, ҳаёт хавфсизлиги асосларига амал қилиш.

Санъат маркази

Аппликация: Мебель. Жамоа иши

Мақсад: болалар тўғри тўртбурчакдан квадратлар ҳосил қиладилар, қоғоздан тасмалар кесадилар (стул, стол, шкафлар учун оёқчалар), жамоа бўлиб ишлайдилар, идрок, тасаввур ва майда қўл моторикаларини ривожлантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қайчи, рангли қоғоз, елим, мўйқалам, салфетка, ватман.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мебель ҳақида топишмоқлар.
2. “Уч айиқ” эртагини сюжетли расмлар асосида айтиш (Эртакдаги қаҳрамонлар фойдаланадиган мебелларини ёдга олиш).
3. Амалий иш. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.
4. Бажарилган ишларнинг таҳлили.

Қўшимча: болалар билан суҳбат. “Менинг уйимдаги мебель”, “Уч айиқ” эртагини ўқиш ва саҳналаштириш.

Эътиборга молик жиҳати: қайчи ушлаш ва ундан тўғри фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш.

Санъат маркази

Лой иши: Стул

Мақсад: болалар стул шаклини ясайдилар, стулнинг шакли, ранги, қисмларини тўғри номлайдилар ва жойлаштирадилар, озода ва тартибли ишлаш малакаларига эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, лой учун клеёнка, мебель тасвири.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат.
2. “Бу нима?” таълимий ўйини
3. Иш жараёнининг босқичларини кўрсатиш.
4. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.
5. Болаларнинг ишлаган ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: болалар билан ошхона мебелини яшаш.

Эътиборга молик жиҳати: техник малакаларнинг шаклланиши ва лой (пластилин) билан ишлай олишларига эришиш.

Санъат маркази

Расм: Тушлик столи

Мақсад: болалар расмнинг берилишига қараб тасвирни қоғозга жойлаштирадилар, мустақил равишда сюжет танлайдилар ва бажарадилар, столнинг тегишли белгилари ва катталигини тасвирлаб чизадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: бўёқ, оқ қоғоз, сув солинган стакан, расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мебель жиҳозларининг расмларини кўриш.
2. “Стол устини безатамиз” таълимий ўйини.
3. “Идишларни шаклларига қараб саралаш” таълимий ўйини.
4. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.

Қўшимча: стол расмини чизганда лycopчa, қoшиқ, санчқи, салфеткаларни тўғри жойлаштириб чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий фикрлашнинг ривожланишига эришиш.

